



THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF THE ACTIVITY OF THE SUPERVISORY BOARD MEMBERS IN THE ENTERPRISES WITH STATE PARTICIPATION

Rustam Nuraliev

Center for Research of Problems in Privatization and State Assets Management, head of department, PhD in Economic Sciences, nuraliev2306@mail.ru

Bekhruz Usmanov

Center for Research of Problems in Privatization and State Assets Management, junior research fellow, taxn_1993@mail.ru
<https://doi.org/10.5281/zenodo.12747809>

ARTICLE INFO

Received: 10th July 2024

Accepted: 15th July 2024

Online: 16th July 2024

KEYWORDS

Supervisory board, board members, strategy, internal audit, investment, business plan, management apparatus.

ABSTRACT

This article discusses the role and importance of the members of the Supervisory Board, and offers suggestions on expanding its functions and tasks in the management of state-owned enterprises. In addition, the roles and tasks of the newly established committees in state-owned enterprises are shown.

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЧЛЕНОВ НАБЛЮДАТЕЛЬНОГО СОВЕТА НА ПРЕДПРИЯТИЯХ С ГОСУДАРСТВЕННЫМ УЧАСТИЕМ

Нуралиев Рустам Тургунович

Центр исследования проблем приватизации и управления государственными активами, заведующий отделом, к.э.н., nuraliev2306@mail.ru

Усманов Бехруз Шовкат угли

Центр исследования проблем приватизации и управления государственными активами, младший научный сотрудник, taxn_1993@mail.ru
<https://doi.org/10.5281/zenodo.12747809>

ARTICLE INFO

Received: 10th July 2024

Accepted: 15th July 2024

Online: 16th July 2024

KEYWORDS

Наблюдательный совет, члены совета, стратегия, внутренний аудит, инвестиции, бизнес-план, аппарат управления.

ABSTRACT

В данной статье рассматривается роль и значение членов Наблюдательного совета, а также предлагаются предложения по расширению его функций и задач в управлении государственными предприятиями. Кроме того, показаны роли и задачи вновь создаваемых комитетов в наблюдательном совете.

ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРДА КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

Нуралиев Рустам Тургунович

Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш Маркази, бўлим бошлиғи, и.ф.н., nuraliev2306@mail.ru



Усманов Бехруз Шовкат ўғли

Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш

Маркази, кичик илмий ходим, taxn_1993@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12747809>

ARTICLE INFO

Received: 10th July 2024

Accepted: 15th July 2024

Online: 16th July 2024

KEYWORDS

Кузатув кенгаши, кенгаш
аъзолари, стратегия,
ички аудит, инвестиция,
бизнес-режа, бошқарув
аппарати.

ABSTRACT

Ушбу мақолада Кузатув кенгаши аъзолари фаолиятининг роли ва аҳамияти муҳокама қилинган бўлиб, унинг давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятини юритишдаги функцияларини ҳамда вазифаларини кенгайтириш бўйича таклифлар берилган. Бундан ташқари, янги ташкил этилган қўмиталарни давлат иштирокидаги корхоналарда тутган ўрни ва вазифалари кўрсатиб ўтилган.

Кириш

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат тузилмасини демократлаштириш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш, хусусий мулк, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ҳимоя қилиш учун зарур қафолатлар яратишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда. Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ҳуқуқий ислохотлар қўлами кенгайтирилди, бозор шароитида миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш учун тадбиркорликнинг турли шакллари ривожлантиришга қаратилган стратегик дастурлар қабул қилинди.

Институционал ва таркибий ислохотларни амалга оширишни жадаллаштириш, давлат активларини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш, капитал бозорининг ишончли ишлаши мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 166-сонли қарори қабул қилинди, давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислох қилиш тўғрисида 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегия ишлаб чикилди.

Кузатув кенгашининг давлат иштирокидаги корхоналарни ривожлантиришдаги роли муҳим аҳамият касб этади. Улар, биринчи навбатда, ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан назоратни таъминлаши, стратегик масалалар ва йўналишларни аниқлаши ҳамда корхоналарда истиқболни ривожлантириши учун мўлжалланган бизнес-режаларни ишлаб чиқиш масалаларини назоратга олади. Кузатув кенгашининг асосий функционал вазифалари қуйидагилардан иборат:

- корхонанинг йиллик бизнес режаларини тасдиқлаш, инвестиция дастурлари ва бошқа ташкилий-техник тасдиқланган параметрларни таъминлаш учун зарур бўлган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда компаниянинг ривожланишини назорат қилади;

- молиявий-иқтисодий аҳволни (ҳар чоракда) ўрганишни ташкил этиш учун ички аудит хизмати томонидан корхона фаолияти, шу жумладан тузилган шартномаларнинг ҳақиқийлигини текшириш орқали, схемалар ва молиялаштириш шартларини ўрганиб боради;



- корхона раҳбарининг ҳисоботини ҳар чоракда эшитиш, бошқарув аппарати ташкилий тузилмасини тасдиқлаш ва ички аудит хизматини ташкил этади ҳамда унинг ходимларини тайинлаб боради [1].

Юқоридаги функцияларга қўшимча равишда, Кузатув кенгаши сотиб олиш ва бегоналаштириш билан боғлиқ битимни тузишни назорат қилиб боради.

Корхоналарда Кузатув кенгашлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш ва уларнинг ролини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101 сонли Фармони қабул қилинган бўлиб, унга мувофиқ ҳар бир Кузатув кенгаш аъзолари орасидан стратегия ва инвестиция қўмитаси, аудит қўмитаси, номинация ва иш ҳақи қўмитаси, коррупцияга қарши кураш ва ахлоқ қўмитаси ташкил этилган [2].

Юқорида қайд этилган қўмиталарнинг мақсад ва вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

қўмиталар бошқарув органлари деб ҳисобланмайдилар ва Кузатув кенгаши номидан ҳаракат қилишлари мумкин эмас;

қўмиталар Кузатув кенгашининг маслаҳат органлари деб ҳисобланадилар ва Кузатув кенгашининг ваколат доираси билан боғлиқ масалалар бўйича тавсиялар тайёрлашадилар;

кузатув кенгаши йиғилишидаги материаллар ва масалалар бўйича фикр олиш учун махсус билимга эга мустақил эксперт маслаҳатчиларини жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишда Кузатув кенгаши ва қўмиталарнинг ҳамкорликдаги чора-тадбирлари, корхоналарнинг ижтимоий-иқтисодий йўналишларда ривожланишига олиб келади, масалан: давлат ресурсларидан самарали фойдаланиш, коррупция хавфини камайтириш, жамоатчилик ишончини ошириш ва инвестицион жозибадорликни ошириш орқали капитални кўпайтириш ҳамда рақобатни кучайтириб, ишлаб чиқариш сифатини ошириш ва ҳ.к.

Кузатув кенгашининг самарадорлигини ва ҳисобдорлигини ошириш учун қуйидаги тавсиялар таклиф этилади:

1. Кузатув кенгашининг мунтазам ва аниқ ҳисобдорлик тизимини жамият олдида жорий этиш.
2. Кузатув кенгаш аъзоларини рағбатлантириш учун аниқ ва шаффоф тизимни жорий этиш, уларнинг фаолиятини ҳар чоракда баҳолаш ҳамда якуний тўловни баҳолаш асосида амалга оширилиши лозим.
3. Ишлаб чиқариш кўрсаткичларини тасдиқлаш, давлат иштирокидаги корхоналарни самарадорлигини ошириб борган ҳолда бошқариш.
4. Кузатув кенгаши аъзоларининг фаолиятини ва сифатини ҳамда уларнинг ваколатлари даражасини ошириб, ҳар бир кенгаш аъзосининг ваколатлари даражасини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш.

Шундай қилиб, юқоридаги таклиф ва тавсияларнинг амалда қўлланилиши мазкур соҳа фаолиятининг янада кенгайиши ҳамда иқтисодиётдаги салмоғи ўсишига имкон яратади.



References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сонли “Кейинги ислохотлар тўғрисида барқарор учун шарт-шароитлар яратиш ишбилармонлик муҳитини яхшилаш орқали иқтисодий ўсиш ва хусусий секторни ривожлантириш” Фармони. // (www.lex.uz)
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Қарори. // (www.lex.uz)